БУТУН КУЧ—МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШГА!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 110 (7500).

6 ИЮНЬ ШАНБА 1981 йил.

Баҳоси 2 тийин.

◆ Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, хўжаликларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, областнинг барча меҳнаткашлари, биз, сизларга мурожаат қиламиз. Мўл ва эртаги ҳосил етиштириш учун ҳал қилувчи кураш бораётган шу кунларда, қадрли ўртоқлар, сизлар барчага намуна кўрсатишингиз ва ҳар бир ишда актив қатнашишингиз, ғўза парваришини кучайтиришга муносиб ҳисса қўшишингиз, далаларда меҳнат кўтаринкилигини авж олдиришингиз зарур!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МУРОЖААТИДАН.

ЖАНГОВАР ДАЪВАТ

ЁЗНИНГ дастлабки кунлари ҳам ўтиб бормоқда. Ун биринчи беш йилликда халқ хўжалигининг барча соҳаларини янада жадал ривожлантириш, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтиришга аҳд қилган областимизнинг марду-майдон меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида фидокорлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Кўни кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси область комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг барча коммунистлар ва комсомоллар, колхозчилар ва совхоз ишчилари, механизаторлар, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, областимизнинг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаати эълон қилинди.

Мурожаат — бу катта сиёсий ҳужжат бўлиб, унда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган вазифалар бирма-бир кўрсатиб ўтилди. «РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОНЛАРИ дейилади Мурожаатда, — ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ УНИНГ БЕШ ЙИЛЛИКДА ЎЗБЕК ПАХТАКОРЛАРИ ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИГА БЕРГАН ЮКСАК БАҲОСИДАН РУҲЛАНИБ, ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА ҲАМ ПАХТАДАН 1980 ЙИЛДАГИДЕК РЕКОРД ҲОСИЛ ОЛИШ ВА УНДАН ҲАМ ЎЗИБ КЕТИШГА БЕЛ БОҒЛАДИЛАР».

Ҳеч шубҳасиз, бу гаплар областимиз саршуносларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳозир зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарилишини таъминлашда ҳал қилувчи дамлар бошланди. Пахтакорларимиз чигит экишни вақтида ўтказиб, уни ернинг табиий намига бир текис ундириб, асосий майдонларда кўчатларни бутлаб олдилар.

Лекин Мурожаатда таъкидланганидек, баҳор бирмунча қийинчиликларни юзага келтирди. Тез-тез ёғингарчилик бўлиб турганлиги, айрим ерларга дўл тушганлиги, бунинг устига ҳароратнинг паст келганлиги пахта далаларида ишни анча тиғизлаштириб, мураккаблаштирди. Бироқ, пахтакорларимиз асло саросимага тушмадилар. Улар ўзларининг бой тажрибалари, маҳоратларини ишга солиб, қатқалоқни юмшатиб, табиий қийинчиликларни мардонаворлик билан енгмоқдалар. Бу йил ҳам пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштириб мажбуриятни муваффақиятли адо этиш учун барча маҳоратларини ишга солмоқдалар.

Аммо ҳали асосий ишлар олдинда. Кунлар яхши исиб кетмаяпти. Бу ҳол—ғўзанинг ўсишига бирмунча салбий таъсир кўрсатаётир.

«ҲАР БИР РАЙОН, ҲАР БИР ХЎЖАЛИК, ҲАР БИР БРИГАДАДА ЯҚИН КУНЛАРДА ҒЎЗАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ВА ЎСИШИДАГИ ҚОЛОҚЛИКНИ ТУГАТИШ УЧУН ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ КЕРАК».

Мурожаатдаги бу даъваткор жанговар сўзлар қишлоқдаги ҳар бир касб эгаси, мутахассислар, айниқса, сувчи ва механизаторлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Колхоз ва совхозларда бой тажриба, барча имкониятларни ишга солиб, ғўза парваришини ҳар бир картанинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш мўл ҳосил гаровидир.

— Мурожаат бизларни пахтазорларда фидокорлик кўрсатишга ундамоқда, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг донгдор бригада бошлиғи Х. Сандғозиев. — биз ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ва суғоришни бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз. Май ойида қатор оралари уч марта культивация қилинди. Июнь ойида эса кам деганда иккн ярим, уч марта ишлов беришни мўлжаллаб турибмиз.

Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Бўка районидаги «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги», Бекобод районидаги Ленин номли колхозларнинг деҳқонлари ҳам Мурожаатга жавобан бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Улар ҳар туп ғўзани ардоқлаб, маромида культивация қилиб, қондириб суғориб, эрта озиқлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Дала ишларини тез, соз ва сифатли ўтказишда илғор хўжаликлар, ташаббускор пахтакорлар ва уларнинг издошлари иш методларини ҳамма ерда кенг оммалаштириш лозим.

Ҳосил кўчатдан олинади. Мурожаатда кўрсатилганидек пахта пишиб етилгунгача ҳар гектар ерда белгиланган миқдорда ғўза тупини сақлаб қолиш ғоят муҳим вазифадир.

Сувчи ва механизатор — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи кишилардир. Кўчатларнинг бут бўлиши ва мўл ҳосил тўпланиши кўп жиҳатдан уларнинг маҳорати, тажрибаси, масъулиятига боғлиқдир.

Пахта далаларининг заргарлари бўлган сувчилар ҳар бир колхоз ва совхозда етарли ва малакали бўлиши, улар ишга доимо шай ҳолда тургишлари керак. «ҒЎЗАГА ҚАЧОН, ҚАНЧА НОРМАДА СУВ ҚЎЙИШНИ ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ҲОЛДА, УСИМЛИКНИНГ ҲОЛАТИГА ҚАРАБ, ТУПРОҚНИНГ ИҚЛИМ ШАРОИТИ, СИЗОТ СУВЛАРИНИНГ ДАРАЖАСИГА ҚАРАБ ЎТКАЗИШГА ЭЪТИБОР БЕРИНГИЗ». Сувчилар бу даъватни ҳамиша ёдда тутишлари керак. Суғоришни кечаю-кундуз ташкил этиб, ҳар туп ғўзани қондириб суғориш учун ўз маҳоратларини ишга солишлари лозим.

Бу йил ёғингарчиликнинг сероб бўлганлиги туфайли ерга солинган гербицидлар ювилиб кетиб, нафи кам бўлиб қолди. Пахта далаларида бегона ўт кўпайиб кетди. Шунинг учун ҳам культивацияни маълум кенгликда ва белгиланган чуқурликда ўтказиб, далаларни бегона ўтдан бутунлай тозалашга эришиш лозим. Бу келгусида машина теримининг ҳам муваффақиятли ўтишини таъминлайди. Ҳар бир ишда сифат кўрсаткичлари — асосий мезон бўлмоғи лозим.

Бу йилги об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг, айниқса, шира, трипсининг оммавий равишда кўпайишига олиб келди. Шунинг учун ҳам илғор хўжаликлар тажрибасини кенг қўлланиб, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик ва кимёвий усулларидан самарали фойдаланиш лозим. Бу агроном-энтомологлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Июнь— мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой ҳисобланади. Ҳар соат, ҳар кун ғанимат. Сусткашлик, оз бўлса-да лоқайдлик катта зиён келтиради.

Район партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ўзаро мусобақани авж олдириб, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари қандай амалга оширилаётганлигини алоҳида назорат қилиб боришлари керак. Коммунист ва комсомоллар мўл ҳосил учун курашда авангард бўлсинлар.

Съездлар йилида гўшт, сут, сабзавот, мева, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш соҳасида ҳам жанговар ва улкан вазифалар турибти. Бу вазифаларнинг бекаму-кўст бажарилиши қишлоқ меҳнаткашларининг, ҳар бир соҳа, ҳар бир касб жонкуярларининг шу кунлардаги ғайрат ва шижоатига боғлиқ. Мурожаатда алоҳида уқтирилганидек, МАМЛАКАТДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИШ ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК БУРЧИДИР.

Бутун куч-мўл ҳосил учун курашга!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб, ўн биринчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1981 йилда пахта, ғалла, каноп, картошка, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни бутун чоралар билан кўпайтириш учун курашни кенг авж олдириб юбордилар.

Ноқулай об-ҳаво оқибатида юзага келган қийинчиликлар туфайли ҳозир ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ривожланишдан орқада қолаяпти. Умуман область бўйича чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган ўсиш суръатларига эришилгани йўқ. Бу вужудга келган қийинчиликларни тезда бартараф этиш учун барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари куч-ғайратларини сафарбар этишни талаб этади.

Область партия комитети ва область ижроия комитети, область меҳнаткашларига қишлоқ хўжалигида бутун ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни активлаштириш юзасидан Мурожаат қабул қилдилар.

Тошкент область партия комитети, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг барча коммунистлар ва комсомоллар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, областнинг барча меҳнаткашларига Мурожаати область газеталарида эълон қилинди.

Область партия комитетн ва область ижроия комитетн район ва шаҳар партия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар, химия саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, область ва Тошкент шаҳри хўжалик органлари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари зиммасига Мурожаатни муҳокама этиш, 1981 йилда барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича планлар ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун зарур тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш вазифасини юклади.

МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАДИ

МАРД майдонда синалади, дейишади. Бугунги кунда эса пахтазор мардлар майдонига айланган. Область партия комитети ва область ижроия комитети биз, деҳқонлар, механизаторларга мурожаат этиб, 1981 йилда «оқ олтин»дан рекорд ҳосил олиш учун зарбдор меҳнат қилишга чақирдилар.

Областимиздаги барча колхоз ва совхозлар коллективлари қатори бригадамиз пахтакорлари ҳам даъватга «лаббай», деб жавоб бераётирлар. Улар далаларда ақиллик билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мурожаатда дала гвардиячилари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйилган. Унда ҳаққоний таъкидланишича, ўз вақтида ва сифатли ўтказилган культивация пахтазорларда мўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан биридир. Ҳарорат паст келган, ёғингарчиликлар кўп бўлган бу йилги шароитда ҳамкасбим Умар Алибеков билан культивацияни тез-тез ўтказиш учун курашяпмиз.

Ҳар куни 7—8 гектарда майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бериш билан бир қаторда сифатга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Культиваторларимизга 42 тадан ишчи органлари ўрнатилган. Улар қатор ораларини чуқур ва майин қилиб юмшатишга мўлжаллаб пухта созланган.

Биз оташин даъватга жавобан июнь ойида ғўза қатор ораларига уч марта ишлов беришга қарор қилдик. Бунинг учун ҳар бир соат ва дақиқадан унумли фойдаланяпмиз. Биз бригадамиз коллективининг бу йил 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан олган мажбуриятларига ярашя ҳосил тўплаш учун астойдил ғайрат қиламиз.

Х. ТОШМАТОВ,
Пискент районидаги 1-«Пискент» совхози 5-бўлими 2-бригадасининг механизатори.

ҲАМ ЎРГАНИБ, ҲАМ ЎРГАТИБ

Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ районлари меҳнаткашлари бир неча йилдан буён ўзаро мусобақадошлар. Улар бирбирларининг илғор иш тажрибаларидан ўрганиб, бирбирларига ўргатиб, меҳнатда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Яқинда Ўрта Чирчиқ райони вакиллари ўзаро социалистик мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлигини текшириш учун Янгийўл районн хўжаликларида бўлишди. Ўзаро текшириш бригадасига Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев раҳбарлик қилди.

Мусобақадошлар янгийўлликларнинг ўн биринчи беш йиллик дастлабки йили учун олган мажбуриятларини муваффақиятли бажараётганликларини мамнуният билан қайд этдилар. Район пидлачилар қабул пунктларига қландаги 146 тонна ўрнига 183 тонна қимматли хом ашё етказиб бериб, оширилган мажбуриятларини ҳам знёдаси билан адо этишди.

36,5 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш учун курашаётган пахтакорлар ғўза парваришини қизғин олиб боришяпти. Мусобақадошлар Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозида ғўза культивацияси, озиқлантириш ва суғориш бир-бирига боғлиқ ҳолда, сифатли ўтказилаётганидан мамнун бўлдилар.

Н. Ниёзов номли колхоз аъзолари ҳам пахта далаларида зардоларча меҳнат қилишяпти.

Шу билан бир қаторда мусобақадошлар айрим хўжаликларда ғўза ва бошқа экинлар парваришида қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб бердилар.

Ўзаро текшириш якуни Янгийўл район партия комитетининг кенгайтирилган бюросида муҳокама этилди. Мусобақадошлар кўрсатиб берган камчиликларни бартараф этиш учун тадбирлар белгиланди.

Бошқа районларда ҳам мусобақадошларнинг ўзаро текширувлари бўлиб ўтяпти.

М. ПЕЙСЕНОВ,
Э. МАДИЕРОВ.

МУСОБАҚАДОШ РАЙОНЛАРНИНГ ЎЗАРО ТЕКШИРУВЛАРИ

ЁРДАМНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

Бирлашмамиз коллективи Мурожаатни зўр қизиқиш билан кутиб олди. Унга жавобан минерал ўғитлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори оталигимиздаги хўжаликларга ёрдам беришни кучайтириш режаларини тузмоқдамиз. Мўъжизакорларимиз узоқ йиллардан бери Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга озми-кўпми ёрдам бериб келмоқдалар. Колхозчиларга чигитни экиш, ғўза парваришини олиб боришда кўмаклашяпмиз.

Коллективимиз «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришда оталигимиздаги колхоз меҳнаткашларига ҳар соҳада ёрдам бераверади.

А. МАҲМУДОВ,
«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ—МУҚАДДАС БУРЧ

ГУЛИСТОН, 5 июнь. (ЎзТАГ). Сирдарё область қишлоқ хўжалик ходимларининг бугун бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари социалистик мажбуриятлар, КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари қандай бажарилаётганини, шу беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини барвақт адо этиш йўлидаги мусобақани кенг қулоч ёздириш тадбирларини муҳокама қилдилар.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров ва кенгашда сўзга чиққан Оқ Олтин районидаги «Фарғона» совхозининг директори С. Сиддиқов, Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг директори М. Е. Красильников, Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоз раиси К. Султонов, Меҳнатобод район ижроия комитетининг раиси А. Турдиқулов, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси М. Намозов, Боёвут районидаги А. С. Пушкин номли совхоз директори П. Йўлдошев шуни таъкидладиларки, область хўжаликлари ноқулай об-ҳаво шароитлари натижасида ғўза ривожида вужудга келган қолоқликни бартараф этиш ва олинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариш учун барча имкониятларга эгадирлар. Ҳозирги вақтда ҳар бир хўжаликда, ҳар бир бригадада мўл ҳосил тўплашни таъминлаш асосий вазифадир. Бунинг учун агротехниканинг илғор усулларини моҳирлик билан қўлланиш, мўл ҳосил миришкорларининг тажрибасини кенг ёйиш, машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш лозим. Июнь — ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи ойларидан биридир. Шу боисдан юксак уюшқоқлик кўрсатиш, барча дала ишларини муваффақиятли ва сифатли бажариш учун кўп куч-ғайрат сарфлаш, ноқулай об-ҳаводан зарар кўрган майдонлардаги ғўзаларнинг интенсив ривожланишига қисқа вақт ичида эришиш лозим.

Қийинчиликларга қарамай, 102 та пахтачилик бригадаси ҳар гектар ердан 40—50 центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта хирмони кўтаришга қарор қилганлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Илғорларнинг ташаббуси Мирзачўлдаги барча хўжаликларда қўллабқувватланди. Пахта етиштиришнинг илғор Тошкент технологияси кенг жорий этилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг меҳнаткашлари ҳам зўр ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Ғаллакорлар 130 минг тонна дон, сабзавоткорлар ва боғбонлар 401 минг тонна мева-сабзавот етиштиришни мўлжалламоқдалар 117 та маккажўхорикор бригада колективи гектар бошига 80—100 центнер ва ундан ҳам кўпроқ дон олишга сўз бердилар. Чорвадорлар чорва туёғи ва унинг маҳсулдорлигини кескин ошириб, озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларидаги фойдаланилмаётган резервлар тўғрисида ҳам гапирдилар. Чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Астойдил, юксак самарали меҳнат, барча резервларнинг ишга туширилишига ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун белгиланган юксак пировард натижаларга эришиш имконини беради.

Кенгаш қатнашчилари барча қишлоқ хўжалик ходимларига Мурожаат қабул қилдилар, камида 415 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга топшириш учун кун сайин зўр кураш олиб боришга чақирдилар. Юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши мирзачўлликларнинг партия XXVI съезди тарихий қарорларига конкрет жавоби бўлади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретаря Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

ЯНГИ МАКТАБ МУБОРАК!

ҚАРДОШ республикалар байроқлари эҳтиёт қилиниб турган бу майдонда ўзгача файз ҳукмрон. Янгисига барпо этилган гулзорлар, сада майдончалар оралаб равон йўлакдан муҳташам бино томон йўл олаётган, кўкракларида орден ва медаллар ярқираб турган колхоз ветеранлари, дала гвардиячиларини албон галстуклик пионерлар гулдасталар билан кутиб оладилар. Карнай-сурнай садолари янграйди. Бу ерга йиғилганларнинг ҳамма-ҳаммаси кенг майдон тўрида салобат тўкиб турган икки қаватли ойнабанд бино — янги мактабга ҳавас билан қарайдилар. Унинг пештоқига «Бахтли болалигимиз учун Коммунистик партияга минг раҳмат!», «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» шиорлари битилган.

Мактабга кираверишдаги фойега ўрнатилган микрофон олдида Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари Кибор Бакирович Мамедов. У район меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эришилган ютуқлар ҳақида қисқача сўзлар экан, Охунбобоев номли колхозда қад кўтарган Маҳмуд Пўлатов номли 28-ўрта мактабни фойдаланишга топширишга бағишланган тантанали митингни очиқ деб эълон қилади.

Колхоз механизаторлари ажратган 1,5 миллион сўм маблағ ҳисобига қурилган мактабнинг таржимаи ҳоли ўзига хос. Ўқув муассасасида ўрнатилган телевизион студия ёрдамида синфлардаги машғулотларни зарур бўлганда телевизорлар орқали назорат қилиш мумкин. Қурилмаларни ўрнатишда республикада биринчи бор телестудия хизматидан фойдаланаётган Сирдарё педагогика институтининг мутахассислари катта ёрдам бердилар.


— Янги мактаб, — дейди митингда сўзга чиққан колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комилжон Азимов, — фарзандларимизга колхозчилардан совғадир. Бу ўқув муассасасининг қад кўтаришида биз республика Компартияси Марказий Комитети, область, район партия, совет ташкилотлари ва область, район халқ маорифи бўлимларининг беқиёс ёрдамини ҳис қилиб турдик. Мактаб келажакда колхозчи кадрлар сафини тўлдириб боришда шубҳасиз, катта роль ўйнайди. Мен бугун барча колхозчи ота-оналарни ўз ўғил-қизларига қилган муносиб туҳфалари билан табриклайман.

Тантанали митинг қатнашчилари Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, ветеран ўқитувчи Н. Сандхўжаев, педагог Х. Юсупалиева, олтинчи синф ўқувчиси М. Бекмуротова, қурувчи А. И. Старков сўзларини марок билан тингладилар.

Тантана тугаган унинг иштирокчилари янги мактаб билан танишдилар.

Мактаб очилишига бағишланган тантанали митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев, Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов, область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. Б. Йўлдошева, шунингдек, Тошкент область партия, совет ташкилотлари, халқ маорифи органларининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

С. ҲАСАНОВ.



Суратда: янги мактаб кўриниши.

А. Абалян фотоси.

Агрономия хизмати: ҳосилни бошқариш

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗУҚА

ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАЯПТИ

Ильич номли колхоз бундан бир неча йил муқаддам район маълумотларида охирги ўринда турарди. Район партия комитети кўрган чораларидан кейин аҳвол яхшилана борди. Хўжаликка раҳбарлик мустаҳкамланди, бригадаларда ишлашга мутахассислар юборилди, машина-трактор парки янги техника билан тўлдирилди, алмашлаб экишда тартиб ўрнатилди.

Шуни айтиш керакки, алмашлаб экишга эътибор суғориладиган ерлар маданиятининг ошиши, иш сифатига бўлган юксак талаб қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтарди. Колхоз ўн далали алмашлаб экиш схемасини жорий қилди: унда етти дала ғўзага, икки дала бедага ва бир дала маккажўхорига ажратилган. Уч йил ичидаёқ схема яхши натижалар келтирмоқда. Уч йил беда экилган массивларда ўтган мавсумда 35—40 центнердан пахта олинди. Умуман пахта майдонлари бўйича гектар қайтими 32,4 центнерни ташкил этди. Фақат пахтанинггина эмас, балки ўтмишдош экинларнинг ҳам ҳосилдорлиги кўтарилди. Ҳозир маккажўхорининг ҳар гектари 72 центнердан зиёд ёки тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан икки баравар кўп дон бермоқда. Бедазорлар унумдорлиги ҳам сезиларли тарзда ўсди.

Алмашлаб экиш схемаси бўйича кўп йиллик ўтлар 530 гектарни ёки ҳайдаладиган ерларнинг 18 процентини эгаллайди. Ҳар йили унинг учдан бир қисми ҳайдалади ва пахта экишда фойдаланилади. Икки-уч йиллик беда гектар бошига ўртача 200 центнерга яқин пичан бермоқда. Дастлаб беда майдонларини аралаш экинлар билан силос учун мўлжалланган маккажўхори эгаллайди.

Аралаш экинлар агротехникаси мураккаб эмас, аммо аниқ бажаришни талаб этади. Аввало яхши тайёрданган шудгорга 90х10 сантиметр схемаси бўйича 6—7 сантиметр чуқурликда маккажўхори уруғи экилади. Сўнгра қирқма — шахмат усулида икки сантиметр чуқурликда беда экилади. Ўғитларнинг асосий қисми тупроқни экишга тайёрлаш давомида берилади. Иккинчи озиқлантириш ўсимликлар бўйи 25—30 сантиметрга етганда ўтказилади. Ўрим-йиғимгача маккажўхори майдони икки-уч марта суғорилади. Қолган беда навбатдаги ўримдан кейин озиқлантирилади ва суғорилади. Маккажўхори силос учун ёш бошида ўрилади ва ҳар гектар ердан ўртача 400 центнердан кўк масса, кейин эса беданинг уч ўримидан 65—70 центнер пичан олинади.

Кейинги йилларда колхоз иккинчи ва учинчи йилги бедани беш марта ўриб олишдан олти марта ўриб олишга ўтди. Бедазордан интенсив равишда фойдаланиш агротехникани такомиллаштириш имкониятини берди. Ҳозир агроном Омон Худойбердиев раҳбарлик қилаётган комплекс механизациялашган озуқа тайёрлов отряди ўсимликнинг ўрилмай туриб қолишига йўл қўймайди ва массани оммавий шоналаш даврида, яъни гуллаш бошлангунга қадар 1—2 кун ичидаёқ ўриб олади. Бу мажбурий қонда: гуллаш давригача ўсимлик анча миқдорда коротин ва оқсил йиғади. Беда гуллагандан кейин ўриб олинганда қуруқ массадаги озиқ моддалар сақланиши тахминан 20 процент камаяди. Бу эса ҳар беш гектарнинг 1 гектари ёки колхоз миқёсида 100 гектардан ортиқ суғориладиган ер йўқолишига тенгдир.

Озуқа тайёрловчи отряд ўримдан кейин майдонларга ишлов бериш муддатини қисқартиришга эришди. Пичани йиғиштириб олинган карталарни озиқлантириш ва суғоришга қисқа вақт кетади. Тарқалиши мумкин бўлган касалликлар ва зараркунандалардан ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларини кўриш ҳам беданинг оммавий шоналашгача етилишини тезлаштирмоқда. Ўримлар ўртасидаги давр 25 кундан ошиб кетмайди, илгарилари эса бу давр бир ойни оларди. Шундай қилиб, олтинчи ўрим учун вақтдан ютилди.

Эрта баҳорда хўжалик беданинг бир қисмидан моллари озиқлантиришда фойдаланади, биринчи ўрим эса бутунлай сенаж қилинади. Ўтган йили колхоз 1200 тонна шундай озуқа тайёрлади. Сенаж ва силос фақат бетон хандоқларгагина бостирилади.

Беданинг кейинги тўрт ўрими ўт уни, сода қуритиладиган пичан ва қуруқ пичан тайёрлашда фойдаланилади. Колхоз райсельхозтехника ёрдамида ўт уни тайёрлаш бўйича марказлашган пунктни жиҳозлади. АГВ—АВМ агрегатларининг иши йўлга қўйилди. Бу йил колхоз пункти қўшни хўжаликлар учун ҳам витаминли ун тайёрлашга қарор қилди. Беда уни, табиий ўтлар ва бироз озуқабоп дон қўшилган ўт уни ва донадор озуқалар тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили хўжалик бир ярим йиллик дағал озуқалар запасига эга эди. Правление қарори билан барча колхозчилар шахсий моли учун ўртача 2—3 тоннадан дағал озуқалар, шу жумладан, беда пичани ва кўк беда оладилар.

Озуқа тайёрловчи отряд бу йил барча хил дағал озуқалар жамғаришни 20 процент кўпайтиришга қарор қилди. Отряд олтита косилка-майдалагичга, шунча миқдорда силос ўриш комбайни, тўртта трактор погрузчиги, иккита хаскашга эга. Отрядда ҳар доим ўн механизатор ишлайди, иш тиғиз кунларда уларга қўшимча ишчи кучи ажратилади.

Колхоз правленнеси озуқа учун дон етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги икки йил мобайнида дон учун экилган маккажўхори майдонлари 30 гектардан 250 гектарга кўпайди. Маккажўхори алмашлаб экиш майдонларида катта-катта массивларга жойлаштирилган. Дон ҳосилдорлиги гектарига 72 центнергача кўтарилди. Ўтган йили колхоз давлат тайёрлов планини икки баравар оширибгина адо этиб, уруғлик ва озуқа мақсадларига 1150 тонна маккажўхори дони қолдирди.

Хўжаликда дон учун маккажўхори ва хашаки лавлагини аралаштириб экиш технологияси ўзлаштириб олинди. Ўтган йили бундай майдонларнинг ҳар гектари хўжаликка 72 центнердан маккажўхори дони ва 440 центнерга яқин лавлаги, яъни 19 минг озуқа бирлиги келтирди.

Колхоз 78 гектар суғориладиган ерда бугдойнинг «Безостая-1» навини ўстириб, 40 центнердан дон олмоқда. Буғдой ўриб олингандан кейин (июль бошида) массивга силос учун маккажўхори экилади. Кузга бориб ҳар гектар ер ўртача 400 центнердан сўтали маккажўхори силоси беради. Ҳосили барвақт йиғиб-териболинган пахта майдонларини (сентябрь ойи) қисман кузги жавдар эгаллайди. Жавдар апрель бошида ўриб олингандан кейин карталарни маккажўхори ёки пахта эгаллайди.

Шундай қилиб, хўжалик барча суғориладиган ердан фақат пахта етиштиришдагина эмас, балки озуқалар тайёрлашда ҳам максимал даражада фойдаланмоқда. Озуқалар чорва молларга олдиндан тайёрланган ҳолда берилмоқда ва яхши қайтим олинмоқда: 450 бош сигирнинг ҳар биридан соғиб олинган сут ўтган йили 3300 килограммни ташкил этди, гўштга топширилган қорамолларнинг ўртача вазни 417 килограммга, чўчқаларники эса 110 килограммга етди.

Колхознинг беш йилликка мўлжалланган тадбирларида пахта ҳосилдорлигини гектарига 40 центнерга, маккажўхори донини 100 центнерга, бедани — 220, силос массасини — 500, аралаш экилган ерларда лавлаги ҳосилини 600 центнерга етказиш мўлжалланади.

Черкассилик чорвадорлар ташаббусини маъқуллаб, колхоз ўн биринчи беш йилликда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки баравар кўпайтиради. Фермалар сутчилик йўналишини олади ва 1985 йилда ҳар 100 гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 1100 центнер сут етиштиради. Сигирлар бош сони сезиларли даражада кўпаяди.

Колхоз экиш ишларини энг қулай агротехника муддатларида якунлади. Тўлақонли ғўза қўчатлари олинди, қатор ораларига оммавий ишлов берилмоқда. Беда ўрими давом этмоқда. Биринчи ўримдан 55 центнердан юқори оқсилли пичан (бу 100 центнерга яқин сенаж ёки 165 центнер кўк масса) олинди.

Хўжаликда эрта баҳор озуқа тайёрлашни кўпайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган эди. Шунингдек, магистраль суғориш шохобчалари бўйлаб моллар озуқаси учун қовоқ экишга қарор қилинди. Отряд колхозчи 50 километрга бир қатор қилиб экди. Бу эса камида 2500 тонна ширали озуқа беради. Бу ташаббус районнинг бошқа хўжаликларида ҳам қўллаб-қувватланди.

Суғориладиган ер резервлари битмас-туганмасдир. Улардан моҳирлик билан фойдаланиш, шу тариқа далалар ва фермалар маҳсулоти етиштиришни муттасил кўпайтиришга эришиш мумкин.

К. САИДОВ,
Ильич номли колхоз раиси.

А. УЗИЛЕВСКИЙ,
(«Сельская жизнь» мухбири).

(Сирдарё райони, Ўзбекистон ССР).

(«Сельская жизнь», 1981 йил 4 июнь).

МУАЗЗАМ ДАРГОҲ

Бундан ўн бир йил муқаддам улуғ доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги арафасида очилган В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидаги камёб ҳужжатлар, буюк революционер ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли бошқа материалларни қисқа давр ичида 5,5 миллиондан ортиқ киши келиб кўрди. Бу ерда меҳнат қилаётган илмий ходимлар, мутахассислар экспозициялар тили билан революцион воқеаларни жозибали қилиб қилмоқдалар, янги ҳаёт ижодкорининг ҳаёти ва фаолияти билан томошабинларни кенг таништирмоқдалар. Музей филиали партия ташкилоти бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун кўпгина тадбирларни кўрмоқда.

Бундан икки йил илгари очиқ партия йиғилишида коллективнинг намунали мусассаса номини олиш учун мусобақага қўшилиш ташаббуси маъқулланган эди. Ана шу қарорга биноан партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакилларидан иборат комиссия тузилди, мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Бу талабларда партия ташкилотининг идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш соҳасида мунтазам изланиши лозимлиги алоҳида қайд этилди, коллективда меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш вазифалари қўйилди.

Коллектив олдидаги асосий вазифа Ленин ғояларини, унинг назарий меросини, партия ва Совет ҳукумати қарорларини кенг пропаганда қилишдан иборатдир. Ана шу вазифани бажаришда илмий ходимлар, лекторлар илмий ва пропаганда ишларини такомиллаштириш устида тинмай ишламоқдалар. Жумладан, ҳозирги замон воқеаларига бағишланган экспозиция зали кенгайтирилди. Бу Ленин ғояларининг мамлакатимизда қандай амалга оширилаётганлигини чуқурроқ ва ишончлироқ қилиб кўрсатиб бериш имконини берди. Ривожланган социалистик жамият ютуқлари ёркин ифодасини топди.

Коммунистларимиз янги стационар ва кўчма кўргазмалар ташкил қилишга ҳам эътиборни кучайтирмоқдалар. Натижада жойларда идеологик, оммавий-сиёсий ишлар янада жонланди. Коммунистик партия тарихидаги шонли саналарга бағишланган кўргазмалар, экспозициялар янги материаллар билан бойиди.

Биз партия органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бунда «Ленинниг иши барҳаёт ва ғалаба қилади» деб номланган ижтимоий-сиёсий ўқув партия, совет, хўжалик, идеология, активлари учун яхши мактаб бўлаяпти.

Илмий-амалий конференциялар таъсирчанлиги ҳам ошмоқда. «В. И. Ленин социалистик ва коммунистик қурилишда Коммунистик партиянинг роли ҳақида», «В. И. Ленин ва ёшлар»,

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

«В. И. Ленин социалистик мусобақа тўғрисида» мавзуларидаги конференциялар тингловчиларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Ташаббусимиз билан очилган ёш коммунистлар мактаби ўз машғулотларини бошлаб юборди.

Партия ташкилоти студентлар, мактаб ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчиларининг партия, меҳнат ва комсомол ветеранлари билан учрашувларини ўтказиб туришга ўз планидан доимий ўрин берган. Республика министрликлари ва идоралари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатилмоқда. Бундан ташқари, жойларда Ленин музейлари, хоналари ва бурчаклари ташкил қилишга актив ёрдам бераяпмиз. Ҳозир республикамизда 7 мингдан ортиқ Ленин музейлари, хона ва бурчаклари ишлаб турипти.

Партия бюроси партия ўқувини ташкил қилишни ҳам ўз диққат марказида тутади. Бундан асосий мақсад илмий ходимларимиз, мутахассис ва лекторларимизнинг маҳоратини оширишдан иборатдир. Коллективнинг барча аъзодари партия маорифи машғулотларига жалб этилган.

Тарбиявий ишга комплекс ёндошиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз.

Партия мажлисларида коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаб туриш одатга айланиб кирган. Уларда бўлим раҳбарлари ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши ва олиб борилаётган сиёсий-тарбиявий ишлар тўғрисида ҳисоб берадилар. Коллектив ҳаёти деворий газета саҳифаларида кенг ёритиб берилаяпти.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида идеологик ишларга талабларнинг ошиб бораётганлигини доимо ёдда тутган коллективимиз, коммунистлар илмий экспозиция, лекция ва оммавий-сиёсий ишлар самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш учун курашмоқдалар. Партия бюроси намунали муассаса коллективи деган юксак ном учун курашаётган коллективда иш формаларини такомиллаштириб бормоқда.

Айни кунларда филиалимиз ходимлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини миллионлар онгига етказиш йўлида тўпланган бор тажрибани ишга солмоқдалар. Бу муҳим ишда В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолияти, доҳийнинг ўлмас намунаси бутун идеологик ва оммавий ишларнинг марказида турибди.

А. МИРЗАХОНОВ,
В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали партия ташкилотининг секретари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУКОФОТ МУБОРАК

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва халқ турмуш маданиятини ошириш юзасидан ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда эришган ютуқлари учун МУКОФОТЛАНСИН:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Зуфарова Маъфират — Калинин район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Очилова Людмила Таировна — носаноат хизмат кўрсатиш комбинатининг сартароши.

Ғуломова Дилбар Муҳамедхоновна — «Лола» фабрикасининг директори.

Мўминов Тўлқин Абдураимович — Янгийўл шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.

Йўлдошева Санобар — Калинин район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг қабул қилувчиси.

ШИ ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Кимела Зинаида Тихоновна — «Лола» фабрикасининг тикувчиси.

Тонрова Любия — Олмалиқ шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчиси.

Хусанова Мазнира Замитовна — «Тозалик» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кир ювувчиси.

«ШАБКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алибоева Тўла — «Тозалик» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кир ювувчиси.

Асқархўжаев Отаулла Ашрапович — фотохизмати бирлашмасининг фотографи.

Глушенко Валентина Ивановна — Олмалиқ шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг бичиқчиси.

Тургунов Хошим — Олмалиқ ремонт-қурилиш участкасининг ишт терувчиси.

Козлова Любовь Николаевна — «Гўзал» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

Фролова Любовь Михайловна — Чирчиқ шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг сартароши.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Олимхўжаев Насриддин Одилхўжаевич — Тошкент аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг темирчиси.

Киберов Владимир Михайлович — фотохизмати бирлашмасининг фотографи.

Нурматова Муҳаддам Холматовна — Ўрта Чирчиқ район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчиси.

Раҳимов Абдуқаҳҳор — Тошкент аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг сартароши.

Солиқов Ҳусниддин Тоирович — рўзғор машиналари ва асбоблари ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг заргари.

Сапаров Мусажон — «Зангори экран» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ателье мудири.

Хирмонов Туроп — якка буюртма ва пойабзал ремонти бўйича ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойабзалчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Аристова Любовь Константиновна — рўзғор буюмлари ва мебеллари комбинатининг ишчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Тамахин Николай Георгиевич — рўзғор машиналари ва асбоблари ремонти республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бродова Анна Ивановна — Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри.

Қосимов Исроил — «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойабзалчиси.

Фозилов Хошим Қосимович — рўзғор машиналари ва асбоблари ремонти ишлаб чиқариш бирлашмасининг соатсози.

Хўжаев Маҳмуд Музаффарович — Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрининг биринчи ўринбосари.

(Давоми бор).

ТЕЖАЛГАН ХОМАШЁ ҲИСОБИДАН

Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасида иш самарадорлигини ошириш комплекс программаси жорий этилди. Бу ерда ўн биринчи беш йилликда 25 миллион квадрат дециметр кўн моллорини тежаш ва тежалган шу хом ашёдан ярим миллион жуфт пойабзал тайёрлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Белгиланган ишни бажаришга биринчи хисса қўшилди: шу йил бошидан бери пойабзалчилар 30 минг жуфт маҳсулот тайёрлаб чиқаришга кифоя қиладиган материалларни тежадилар. Тошкентликлар Москвадаги бир қанча ишлаб чиқариш коллективларининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган тажрибасини қувватлаб, бирлашманинг ҳамма цехларида қувватлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш устида ишламоқдалар. Ўлар шу кўрсаткични бу йил 98 процентгача етказишга ва бунинг ҳисобига яна 20 минг жуфт пойабзал тайёрлашга қарор қилдилар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш комплекс программаси маҳсулот сифатини такомиллаштириш, илғор иш усулларини жорий этиш, техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш чораларини ўз ичига олади. Тошкентдаги бирлашмада бу программа Украина кўн пойабзал саноати илмий-тадқиқот институти билан, Ўзбекистон Енгил саноат министрлиги марказий лойиҳа-конструкторлик бюроси ва республика пойабзал модел уйи билан ҳамдўстликда жорий этилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА — МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

ЗАМИННИ ЯШАРТИРИБ

СУҒОРИЛАДИГАН майдон бебаҳо хазинадир. Пойтахт области меҳнаткашлари бу ерларнинг ҳар қаричидан самарали фойдаланиб, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини муттасил ошириб бораётирлар. Бунда заминни яшартираётган мелиораторларнинг ҳиссалари ҳам каттадир.

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчил амалга ошириш учун қатъий кураш олиб борган областимиз сув хўжалиги ходимлари ўнинчи беш йилликда янги ерлар ўзлаштириш, экин майдонларини капитал текислаш, мелиоратив ҳолатини ҳамда уларни сув билан таъминлашни яхшилаш соҳасида жуда катта ҳажмда иш бажардилар. Беш йиллик даврида 3820 гектар янги ер ўзлаштирилиб, колхоз ва совхозларга фойдаланиш учун топширилди. 13 минг 400 гектар майдон капитал текисланди, 18 минг 400 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати, 2500 гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланди. Бу мақсадлар учун давлат капитал маблағларидан 27,3 миллион сўм пул сарфланди.

Кейинги йилларда кенжа Паркент райони қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб боряпти. Асрлар давомида фойдаланилмай келинаётган ерларда янги боғлар барпо этиляпти.

Паркент канали биринчи навбатининг фойдаланишга топширилиши минглаб гектар янги ерларни сув билан таъминлаш имконини берди. Сув бор жойда эса маъмурчилик бўлади. Ҳозирнинг ўзида Паркент канали зонасида 4 та янги совхоз ташкил этилган. Канал тўла фойдаланишга топширилиши билан бу ерда 11 та хўжалик тузилади. Уларда сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева, айниқса, узум етиштириш кескин кўпаяди. Бу хўжаликларда чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

Паркент канали қурилишида «Паркентводстрой» трести, «Ташкентводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси, «Ташоблмелиоводстрой»нинг 4-механизациялашган колоннаси коллективлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу ташкилотлар мелиораторлари ўзларининг анъанавий байрамларини белгиланган план топшириқларини муваффақиятли бажарган ҳолда ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Заминни яшартирувчилар эскидан суғориб келинадиган ерларда ҳам кенг кўламда иш олиб боряпти. Асрлар давомида фойдаланилмай келинаётган ерларда янги боғлар барпо этиляпти.

Паркент канали биринчи навбатининг ишга туширилиши минглаб гектар янги ерларни сув билан таъминлаш имконини берди. Сув бор жойда эса маъмурчилик бўлади. Ҳозирнинг ўзида Паркент канали зонасида 4 та янги совхоз ташкил этилган. Канал тўла фойдаланишга топширилиши билан бу ерда 11 та хўжалик тузилади. Уларда сабзавот маҳсулотлари, картошка, мева, айниқса, узум етиштириш кескин кўпаяди. Бу хўжаликларда чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

Паркент канали қурилишида «Паркентводстрой» трести, «Ташкентводстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси, «Ташоблмелиоводстрой»нинг 4-механизациялашган колоннаси коллективлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу ташкилотлар мелиораторлари ўзларининг анъанавий байрамларини белгиланган план топшириқларини муваффақиятли бажарган ҳолда ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар.

Заминни яшартирувчилар эскидан суғориб келинадиган ерларда ҳам кенг кўламда иш олиб боряпти. Асрлар давомида фойдаланилмай келинаётган ерларда янги боғлар барпо этиляпти.

Паркент канали биринчи навбатининг фойдаланишга топ

ОБЛАСТЬ ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ СЛЁТИГА

БОШ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР БЕРАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ САҲИФАСИ

ШОГИРД УСТОЗ ҲАҚИДА

ИЗИНГИЗДАН ЮРСАМ ДЕЙМАН

ҚЎНҒИРОҚ чалинди. Болалар ҳовлига отилдилар. Синфлардан чиққан муаллимлар ўқитувчилар хонасига тўпланишди. Улар орасида Раҳима опа ҳам бор. Сочларига оқ оралаган, нуронй чеҳрали бу аёл мактабнинг энг кекса педагогларидан бири. Мен Раҳима опамни ўқувчилик пайтимдаёқ қаттиқ ҳурмат қилар ва севар эдим. Умуман, опа билан бир марта суҳбатлашган ҳар қандай одам, унинг дарсини тингланган ҳар қандай ўқувчи қайта суҳбатлашишни, қайта дарс тинглашни орзу қилади. Опа фақат ўз предмети бўйича малакали дарс беribгина қолмасдан кўчада юриш-турниш,оилада муомала, одамийлик ҳақида ҳам жуда кўп ибратли гапларни айтардилар. Холбуки, улар болаларга бераднган дарс — тил ва адабиёт бевосита мана шу инсоний омиллар билан омихтадир. Раҳима опа ҳам талабчан, ҳам меҳрибон устоз. Менда ўқитувчиликка меҳр уйғотган ҳам Раҳима опам деб биламан...

Раҳима Орипованинг ёшлиги урушнинг оғир йилларига тўғри келди. Улуғ Ватан уруши бошланганида у 16 ёшли қизча эди. Табиатан сергайрат, тиришқоқ бу қиз ўз фаолиятини пионервожатийликдан бошлади. Машаққатли йилларда ўқувчилар билан бирга фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишди. Уруш йилларидаги ўқиш ва ўқитиш ишлари жуда аянчли аҳволда эди, — дея эслайди Раҳима опа. — Ўқув қуроллари етишмайди, ўқувчиларнинг уст-бошн юпун, оёқларида чипта калишларда узоқ қишлоқлардан лой кечиб мактабга келадилар. Дафтар қаёқда, газеталарнинг очиқ қолган оқ жойларига ёзишарди. Каталакдек уйчаларда ўтириб дарс ўтилади. Қиш кунлари совқотмаслик учун ўқувчилар навбат билан ўтин териб келишади... Қизиғи шундаки, ўқувчилар ҳудди мана шундай оғир шароитда ҳам тиришиб, яхши ўқишар эди.

Ҳозирги фаровон ҳаётимиздаги барча шарт-шароитларни у даврга нисбатан шоҳона дейиш мумкин. Осмонимиз мусаффо, еримиз тинч, осуда яшаяпмиз. Бунинг учун партиямизга, давлатимизга минг бора ташаккур айтсак арзийди...

Раҳима опа ҳаётини мактабсиз тасаввур қилолмайди. Унинг таржимаи ҳолида бунга мисоллар жуда кўп. 1949 йилда у педагогика институтини муваффақиятли тугалладн ва шу йили район комсомол комитетига бўлим мудири вазифасига ишга таклиф қилинди. Лекин Раҳима Орипова «кўз олдимдан ўқувчиларимнинг мўлтираган кўзлари кетмаяпти. Бир соат бўлса ҳам мактаб билан алоқадор иш бўлсин» деб илтимос қилди. Сўнг, ҳам мактабда дарс берди, ҳам район комсомол комитетида мактаблар билан боғлиқ бўлимни бошқарди.

Ўқитувчи бамисоли қўёш, ўқувчилар эса юлдузлардир. Юлдузлар қўёш атрофида айланади, қўёшга интилади. Ўқитувчи ҳам ўқувчиларини меҳригчёдек ўзига чорлайди. Бироқ, ҳар бир ўқувчида ўзига нисбатан ҳурмат, меҳр-оқибат уйғота олишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун муаллим аввало шу касбни қалбдан севиши керак. Раҳима Орипованинг ҳудди ана шундай мураббийдир. Шунинг учун ҳам опанинг кўксини қатор орден ва медаллар безаб турибди.

1967 йилда Октябрь район халқ маорифи бўлими Раҳима Орипованни 106-мактабга бош илмий мудир қилиб ишга юборди. У 1979 йилгача шу вазифада намунали меҳнат қилди. Пенсия ёшига етди, лекин мактабдан кетолмади. Мана уч йилдирки, опа ҳамон ўқувчилар билан. Ҳар йили Раҳима Орипованинг синфидан 3—4 ўқувчи олимпиада ғолиби бўлиб, чиқади. Бу йил ҳам район мактаблараро она тили ва адабиёт бўйича олимпиадада Раҳима Орипованинг икки ўқувчиси

— Индира Мирҳўжаева ва Азиза Насриддинова биринчи ўринни, шаҳар олимпиадасида эса иккинчи-учинчи фахрли ўринларни эгаллашди. Бу албатта Раҳима Орипованинг ҳам қувончи, унинг меҳнати самарасидир.

Бу йил ҳам опанинг ҳаётида унутилмас из қолдирди. Унга «Меҳнат ветерани» медали топширилди. Раҳима Орипованинг беш фарзандан тўрттаси олий маълумотли инженерлардир. Кенжа Жаҳонгир эса ҳозирча мактабда ўқияпти.

Шундай кишиларни кўриб завқланасан, айниқса улар устозинг бўлса — фахрланасан, улар изидан юргинг, уларнинг олижаноб ишини давом эттиргинг келади!..

М. ЖУМАБОЕВА,
А. И. Икромов районидаги 106-мактаб ўқитувчиси.

• МЕҲНАТ ШАРАФЛАГАН АЁЛ • ИБРАТЛИ УМР

• ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

• РЕКОНСТРУКЦИЯ ТЕЗЛАШСИН!

• ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БОЛАЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўн биринчи беш йилликда Тошкент шаҳрида 60 минг ўринли мактаблар, 25 минг ўринли болалар боғча ва ясслари қад кўтаради. Мактабларнинг кўпчилиги беш йилликнинг дастлабки йилидаёқ ўқувчилар ихтиёрига топширилади.

Бу йил шаҳримизнинг Юнусобод массивида 3 та мактаб, 3 та болалар боғчаси қад кўтарянти. Мактаблардан бирининг қурилиши июль ойида тугатилиб, 1568 ўқувчини ўз бағрига олади. Таниқбоев кўчасида ҳам 1568 ўринли мактаб қурилиши жадал суръат билан олиб борилмоқда. 6-трестнинг 70-қурилиш бошқармаси бинокорлари графикда ишлаб, бинонинг бир блокини пардозлаш учун тайёрлаб қўйдилар. Шу трестнинг 47-қурилиш бошқармаси сайқалчилари дурадгорлик, сувоқчилик ишларини тезкорлик билан олиб бормоқдалар. Шаҳримизнинг «Марказ-26» кварталида 1176 ўринли мактаб қурилишини 159-трестга қарашли 9-қурилиш бошқармасининг Собит Содиқов бошлиқ комплекс бригадаси тезкорлик билан олиб бормоқда.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОР ЛАР САФИГА ҚЎШИЛИНГ!

400 ЦЕНТНЕР УЧУН

ОБЛАСТИМИЗ бир группа илғор сабзавоткор ва боғбонларининг ватанпарварлик ташаббуси бригадамиз деҳқонларининг ҳам меҳнат ғайратини жўш урдириб юборди. Улар съездлар йилида сабзавот ва картошка экинларидан мўл ҳосил етиштириш, эл дастурхонини ноз-неъматларга янада тўкин қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бригадамиз аъзолари бу йил ҳар гектар сабзавот майдонидан 400 центнердан ҳосил олиб, давлатга пландаги 900 тонна ўрнига 1400 тонна маҳсулот сотишга аҳд қилдилар. Шунингдек, картошка ҳосилдорлигини 200 центнерга етказмоқчимиз.

Шу кунларда далаларимизда пишиб етилган эртаги бодринг, карам, август пиёзини дазлат қабул пунктларига топширилмоқда. Бригадага қарашли помидор нихолларига эса иккинчи агротехник ишлов берилди. Дон учун экилган маккажўхорининг ҳам авжи яхши.

Коллективимизнинг Маҳмуд Ҳикматов, Ҳикмат Ҳакимов, Қобил Фозилов сингари тажрибали миришкорлари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан барчага намуна бўлмоқдалар.

С. ҲОЖИАКБАРОВ,
Калинин районидаги Калинин номли колхознинг 2-бригадаси бошлиғи.



Пойтахтимиздаги Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи театрининг ижодий коллективи Рихси Орифжоновнинг «Оқ йўл, қизим» асарини саҳналаштирди. Суратда: спектаклдан бир кўриниш; (чапдан) Юлдуз ролида — Зуҳра Кабирова, Шамшибиби ролида — 95-мактабнинг ўқувчиси Машкура Хўжаева.

Э. Муҳамедов фотоси.

ТЕХНИКА СОЗ— ҲОДИСА ОЗ

МАЪЛУМКИ, автотранспорт воситаларининг техникавий соз бўлиши ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи асосий омиллардан бири.

Лекин афсуски, айрим автохўжаликларда бунга жиддий эътибор берилмаяпти. 1980 йилда Давлат автоинспекцияси ходимлари область территориясидаги йўлларда ҳаракат қилаётган 11850 автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текширганида улардан 568 таси, ёки 4,7 процента ҳаракат хавфсизлигини таъминлайдиган талабларга жавоб бермаслиги аниқланди.

Кўпчилик автокорхоналарда ремонт учун керак бўлган эҳтиёт қисмлар олдиндан тайёрлаб қўйилади, техник кўрик ўтказиладиган муддатдан бирнеча ой олдин автомобилларни бу кўрикка тайёрлаш графиги тузилади ва бунга қатъий амал қилинади. «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли автотранспорт ишлаб чиқариш бошқармаси, Чирчиқ трансформатор заводи автохўжалиги, Чирчиқ шаҳридаги 2-автобаза ва бошқа қатор автохўжаликларда транспорт воситаларининг доимий техникавий созлигини таъминламоқда.

Аксинча, Тошкент ҳалалричилик совхози, «Ташқўлкоопстранс» автотранспорт бирлашмасининг 4-автоколоннаси ҳамда балансида 10 та ва ундан кам бўлган машинаси бор майда хўжаликларда транспорт воситаларининг техникавий создиги қониқарли эмас. Уларда зарур эҳтиёт қисмлар ҳамиша етишмайди, машиналар шоферлар ихтиёрига ташлаб қўйилган. Бу қаровсизлик оқибатида эса кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқяпти.

Ўтган йилги техник кўрикда автохўжаликларга қарашли автомобилларнинг 17 проценти, шахсий автотранспорт воситаларининг 19 проценти Давлат автоинспекцияси томонидан қўйилган техник талабларга жавоб бера олмади. Натижада бу автомобиллардан фойдаланиш вақтинча, у зарур техник соз ҳолатга келтирилгунча, тақиқлаб қўйилди. Бу носозликлар автотранспорт воситаларининг вақтида ремонт қилинмаслиги, зарур эҳтиёт қисмлар, диагностика постларининг етишмаслиги, шахсий автомототранспорт воситаларини эса ўз вақтида техникавий хизмат кўрсатиш станцияларига олиб бормаслик; пайдо бўлган техник носозликни ўз вақтида ремонт қилмаслик оқибатидир...

Бу йил 1 февралдан бошлаб автотранспорт воситаларининг техник кўригн ўтказилмоқда. Кўрикдан муваффақиятли ўтиш учун барча имкониятларни ишга солиш керак.

Ҳ. ОБИДОВ,
Транспорт воситаларининг техникавий ҳолатини назорат қилиш группасининг ходими, милиция катта лейтенанти.

ҚОЛГАН ИШГА ҚОР ЁҒДИ

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг ип фабрикаси мамлакатда ип ишлаб чиқарадиган икки йирик корхонадан биридир. Фабрика маҳсулотига эҳтиёж катта. Эҳтиёж катталиги кўп йиллардан буён маълум. Фабрика коллективи ўнинчи беш йилликда уч этикеткадаги ипни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқара бошлади. Кадрлар қўнимсизлиги, коллективда кўпчиликни ташкил қиладиган ёш ишчиларнинг малакаси пастлиги каби жиддий қийинчиликларга қарамай, коллектив комбинат учун энг оғир бўлган йилларда ҳам давлат план топшириқларини уддалаб келмоқда. Лекин бу — имкониятларнинг сўнгги доирасидаги иш эди.

Фабриканинг якуловчи бўяш цехида комбинатда биринчи бўлиб реконструкция бошланиши ҳақидаги хабарни ишчилар чуқур миннатдорлик ва масъулият ҳисси билан кутиб олдилар. Лойиҳачилар реконструкция ишлари муддатини 22 ой деб белгилаб беришган эди ўшанда.

Ниҳоят, 1975 йил январдан дастлабки ускуналар келиб туша бошлади. Бир йилдан сўнг эса реконструкцияни ўз зиммасига олган қурилиш монтаж бошқармаси ҳам тайин бўлди. Бунгача фабрика коллективи, комбинат ўз куч ви билан беш аппаратни ўрнатиб бўлган эди. Тўғриси айтамиз, ишбошн — «Ташпромстрой» трестининг комбинат учун махсус ташкил этилган 1-қурилиш-монтаж бошқармаси қурувчилари ишга астойдил киришдилар. Территория кўзни қувонтирадиган кенг қурилиш майдонига айланди. Фабриканинг маъмурий-маиший корпуси жадал қад ростлади. Бу ҳам муҳим иш, лекин ишлаб чиқариш участкаси бўлмиш биринчи навбатдаги объект — бўяш цехи реконструкцияси чўзилгандан чўзилди. Мана, 66-ой ҳам ниҳоясига етмоқда, бироқ участкада қилинадиган ишларнинг ниҳояси кўринмайди. Тўғри, аллақачон ўрнатилиши лозим бўлган 22 аппарат ўрнатилди. Лекин, ҳалигача улардан 9 таси иш бошлагани йўқ.

Гап шундаки, Японияннинг «Хисака» фирмасидан сотиб олинган бу такомиллашган унумли ускуналар юқори босимда ишлайди. Уларни юқори босим билан таъминлашга эски компрессор қуввати камлик қилади. Янги компрессор биносини қуриб ишга тушириш бош пудратчи ташкилотнинг вазифасидир. Бу иш ҳалигача амалга оширилгани йўқ. Бундан ташқари янги компрессор ишга тушгандан сўнг эски бино бузилиб, ўрнида кимёвий станция ва механика устахонаси қурилди. Бу кўмакдош хўжаликлар ишга тушмагунча қимматбаҳо ускуналардан самарали ва тежамкор фойдаланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Янги техника бундай экспериментал шароитда ишлашга мослашмаган.

— Ҳозирги иш шароити, мажбурий технологик режим, — дейди фабрика бош механиги Ю. Ларгин — аппаратларни тезда ишдан чиқармаса деб ташвишланаяпмиз. Бундай суръатларда иш олиб борилса, реконструкциянинг ортиқ чўзилганидан охир оқибатда халқ, давлат манфаати зарар кўрмоқда.

Н. ТУРСУНОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ходими.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА

ТАШАББУСКОР САБЗАВОТКОРЛАР ИЗИДАН

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бераётган коллективимиз сабзавоткорлари қишончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Эртаги сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирдик. Ҳозирги кунда эса йиғим-терим ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Шаҳарликлар дастурхонига кунига 50 тоннага етказиб карам, бодринг, пиёз каби маҳсулотлар пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Областимизнинг бир гуруҳ илғор сабзавоткор ва боғбонларининг ташаббуси деҳқонларимиз ғайратига ғайрат қўшиб юборди. Улар бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳосилдорликни кескин оширишга аҳд қилдилар. Миришкорларимиз бу йил суғориладиган майдонларнинг ҳар қаричидан, ўгитдан, техникадан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 400 центнерга етказишни мажбуриятини олдилар. Давлатга йил охирига қадар 750 тонна ўрнига 900 тонна турли хилдаги сабзавот ва резаворлар топширамиз.

М. МАҲКАМОВ,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи.

ЎН БЕШЛАР ҲАРАКАТИГА КЕНГ ЙЎЛ!

НУРХОН ОПАНИНГ МИЛЛИОН РЎМОЛИ

ДАМ олиш куни Нурхон опа меҳмондорчиликка кетаётган эди. Оқшом. кўчада одамлар гавжум. Ҳамма қаёқдадир шошади, ҳамманинг ўзига яраша ташвишлари ва қувончлари бор. Рўпарадан келаётган одамлар оқими орасида кўҳликкина бир аёл Нурхон опанинг эътиборини тортди. Унга қараган ю, бутун борлиғи яшнаб кетди. Чунки, унинг бошида Нурхон опанинг қўйдан чиққан рўмол ял-ял товланиб аёл чиройига чирой қўшиб турарди. Шунда у ўз касбидан, ўз ишидан яна бир қониқиш ҳосил қилиб қалбн ифтихор туйғуларига тўлди. Хаёлан фабрикага келган даврини, узоқ йиллик меҳнат фаолиятини хотирлаб кетди.

19 ёшда эди, ўшанда. Аввалига ишга унча кўнika олмай, қийналиб юрди. Бир қарағанда оддийгина бўлиб кўринган пардозловчи касбининг ўзига хос қийин ва мураккаб томонларини иш бошлагандан кейингина билди. Қийналдим деб ташлаб кетишга эса орият йўл қўймади. Аксинча, қийналгани сайин бу ишни албатта эгаллашга аҳди қатъийлашди. Билмаганларини катталардан тортинмай сўраб-суриштириб ўргана бошлади. Кўп ўтмай иш жойида эркин ҳаракат қиладиган, ўзига биркитилган вазифани бемалол бажарадиган бўлиб қолди...

Мана, ўшанга ҳам роса 23 йил бўлибди. Умр оқар сувдек ўтаверар экан. Назарида фабрикага ҳудди яқиндагина келгандек. Тажрибали чевар Вера Павловна Григорьева ҳудди кечагина Нурхонни оталигига олиб, касб ўргатгандек. Ҳолбуки, орадан чорак асрга яқин вақт ўтиб кетибди. Ҳозир эса Нурхон Гафуровнинг ўзи фабрикаинг энг ҳурматли мураббийларидан бири, ишлаб чиқариш пешқадами. Унинг қўлидан чиққан рўмоллар миллион донадан ошиб кетди.

Нурхон опа ўтган йиллар мобайнида ўнлаб шогирдлар етиштирди, уларга ўз касбини, нафис, ҳарир рўмолларни бўяш маҳоратини ўргатди. Д. Иброҳимова, У. Нуралиева, Л. Расулова, М. Шагимуродова ва бошқа кўп ишлаб чиқариш пешқадамлари Нурхон опани устоз дея ҳурмат қилишади.

«Сувенир» фабрикасининг газламаларга гул солиш цехида Нурхон Гафурова номи ҳурмат билан тилга олинади. Наинки цехда, бутун фабрикада уни коммунистик меҳнат заrбдори сифатида танийдилар. У смена топшириқларини мўнтазам 170—180 процентга етказиб бажариш билан бирга фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқда. Н. Гафурова бир нечта Фахрий Ёрлиқлар ва нишонлар билан тақдирланган. У республикамиз илғор 15 ишчисининг бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш ташаббусига биринчилар қатори қўшилиб, ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда адо этишга аҳд қилди. Айни кунларда ана шу юксак мажбуриятни муддатида бажариш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Нурхон опа ишлаб чиқариш илғори бўлиш билан бирга меҳрибон она ҳамдир. Унинг тўрт фарзанди жамиятга муносиб кишилар бўлиб етишмоқда. Ҳозир Нурхон Гафурова ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти.

М. ФАЙЗИЕВА,
музей ходими.







Қалинин районидаги «Қорасув» совхози 2-бўлимининг А. Азимов бошлиқ бригадасида эртаги картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқонлар ҳозирнинг ўзида давлатга 30 тоннадан кўпроқ картошка топширдилар. Ҳосилни йиғиштириб олишда бригада коллективига 27-мактаб юқори синф ўқувчилари ҳам яқиндан ёрдам беришяпти. Суратларда: картошка трактор ёрдамида қазиб олиняпти; ҳосил мўл; 27-мактабнинг пионер вожатийси Ш. Аҳмедова, юқори синф ўқувчилари С. Иноғомова ва М. Маҳкамовалар картошка ҳосилини йиғиштириб олишда ота-оналарига кўмаклашяптилар.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

БИЗНИНГ ПУШКИН

Бундан икки йил илгари Ленинград, Псков, Москва бўйлаб Пушкин кунларида иштирок этарканман, ленинградлик журналистлардан бири менга шундай савол билан мурожаат қилиб қолди:

— Сизнинг ўз шахсий Пушкинингиз қандай?

— Мен учун Пушкин — сўз билан юракларни туғёнга келтирувчи санъаткор. Мен учун Пушкин — айни пайтда содда, айни пайтда жуда мураккаб ижодкор. Соддалиги шундаки, у ҳаммага тушунарли. Мураккаблиги шундаки, Пушкиндай ёзиш, афсуски, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Пушкин битган ҳар бир сўз жонлидай, ранглидай туюлади мен учун. Шунинг учун ҳам уни ҳаяжон билан, ҳайрат билан ўқийсиз-у, лекин таржима қилишга келганда, шу гўзал, нозик ташбеҳларни, шу алангали сўзлар ҳароратини ўз тилимда ифода эта олармикинман, деган андишада ўйланиб қоласиз. Мен учун Пушкин асосан оригиналда ўқилиши керак бўлган санъаткор...

Мен ленинградлик журналистнинг саволига ана шундай жавоб бердим. Савол баҳона, ўйланиб қолдим: улуғ Пушкин ҳаётимга қачондан бошлаб ҳамроҳ? У ўзининг олтин балиқ, поп ва унинг хизматкори Балда, ўлик малика ва етти баҳодир, олтин хўроз кабилар ҳақидаги қатор эртаклари билан, мен эсимни эндигина таний бошлаб, катталардан эртак айтиб беришларини талаб қиладиган бўлганимдан бери менга ҳамроҳлик қилган экан.

Кейин мактабда ўқий бошладим. Улуғ Пушкинни ўзим ўқийдиган бўлдим. Ўқидимгина эмас, ёд ола бошладим:

Сибирь конларининг тагида
Сақладингиз мағрур бир
чидам...

Лекин мен ҳақиқий Пушкинни ўзим учун Москвада, икки йиллик олий адабиёт курсида ўқиётганимда кашф қилдим, десам тўғрироқ бўлар. Энди мен гениал шоирни бевосита ўз тилида ўқий бошлаган эдим. Ўқирдим-у, сатрларнинг ўта жозибасидан, ўта сертуйғулиги, серфикрлигидан ҳайратга тушардим. Мен шеър ўқимасдим, балки жўшқин туйғулар ичида, нозик кечинмалар, «навқирон илҳомлар» (бу Пушкин ибораси) ичида яшардим. Энди Пушкин томлари менинг айрилмас ҳамроҳларим бўлиб қолганди. Уларни ўқиб, ўз ёзган сатрларимнинг рангсизлигидан ҳижолатга тушардим. Бирон-бир фикр келиб, менга тинчлик бермай қўйганида эса яна кўлимга Пушкинни олардим, гўё ундан мадад сўрардим.

Пушкинни чанқоқлик билан ўқирканман, гўзал тизмалардан ақалли биронтасини ўз тилимга таржима қилиб кўриш истаги туғилди менда. Тўпламни олиб, энг жажжи шеърларни қайта назардан ўтказа бошладим, тўғрироғи, жўн бўлиб кўринган шеърни қидирдим. Ва ниҳоят... бир неча кунлик уринишлар туфайли қоғозимда мана бу сатрлар пайдо бўлди:

Мен сизга ачинмасман,
умримнинг кўклamлари,
Беҳуда муҳаббатнинг
домида кетган кўклам.
Мен сизга ачинмасман,
туннинг ишқи damлари,
Куйига солиб бўлган
сизни сибизга қалам.
Мен сизга ачинмасман,
садоқатсиз ёронлар,
Базмларнинг олқиши
ва кафил қадаҳлар ҳам.
Мен сизга ачинмасман,
эй вафосиз жононлар,
Хаёлга берилганча
қочаман фараҳлардан,
Лекин сиз қайлардасиз,
меҳр товланар онлар,
Мурғак орзу damлари,
дилнинг сукут damлари?
Қани илҳом ёшлари,
мен лов-лов ёнар онлар?
Қайтиб келинг қалбимга,
умримнинг кўкламлари!

Бир неча кун уринган бўлсам-да, барибир Пушкин жозибасини, Пушкин ўйноқилигини, Пушкин эҳтиросини бера олмагандим. Шунинг учун ҳам Пушкинни фақат ўз тилида ўқиш керак, дегандим ленинградлик журналистга. Менинг ўз шахсий Пушкиним таржимага муҳтож бўлмаган шоир эди. Журналистнинг саволи баҳона яна ўйлаяпман: фақат менинггина эмас, ҳар кимнинг ҳам, ҳоҳ у рассом бўлсин, ҳоҳ у бастакор бўлсин, ҳоҳ у оддий шеър мухлиси бўлсин, у ким бўлишидан қатъий назар, ўз Пушкини бор. Пушкиннинг дил олами, орзулар олами, ҳис-туйғулар олами шу даражада улканки, у ҳамма-ҳаммага етиб ортади. Йўқса, Боку педагогика институтининг рус тили ўқитувчиси, ёшгина Земфира Рамз қизи Пушкин суратини олти ой мобайнида турли ўтўсимликлар донидан битта-битталаб матога қадаб, чизиб чиқармиди?! Йўқса, ленинградлик ёзувчи — бастакорлар Пушкиннинг Болдино қишлоғида ўтган салкам икки ойлик ҳаётига бағишлаб «Болдино кузи» деб аталган асарини ярата олармидилар?!

Бу асар Пушкин байрамининг тантанали очилиши куни Пушкин номидаги Ленинград театри саҳнасида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Пушкин байрамининг тантанали очилишида менга ҳам сўз берилишини эшитиб, ўйланиб кетдим. Кўз олдимга ўзининг ўта нозик санъати билан жаҳонга машҳур бўлган қўли гул заргарларимиз келди. Уларнинг олтиндан ясалган ўта нафис зеб-зийнат буюмларини эсладим. Уларга боққанимда, безак учун эмас, балки фақатгина тикилиб ҳайратланиш учун ясалгандай туюларди. Улар озгина бўлсин қўшимча ишловга, таҳрирга муҳтож эмас, агарда кимки шундай таҳрирга жўраст этгудай бўлса, бу билан у ўша буюм гўзаллигини ошириш ўрнига аксинча, уни бузиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Худди шундай улуғ Пушкин сатрлари ҳам ўта баркамол бўлиб, улар фақат ўқиш учун, ҳайрат учун битилганди. Мен ўз сўзимда ана шуларни гапирдим.

Михайловское ўтлогида юз минг тингловчи иштирокида ўтган Пушкин байрамининг шеърий қисмида жуда кўп тиллар қаторида гениал шоир менинг она тилимда ҳам сўзлаганидан бахтиёр эдим. Кейин эса шоир жасади қўйилган Святогорск тепалигига кўтарилар эканман, улуғ Пушкин бу ерда ётгани йўқ, у халқ ичида юрибди, халқ муҳаббатида яшаяпти, дегим келарди. Шунинг учун ҳам сўзлаш навбати берилганида қабр бошида мен тирик Пушкинга мурожаат қилиб дедимки:

«Улуғ Пушкин! Сизга бизнинг ўзбекча таомилга кўра «сиз»лаб мурожаат қилмоқчиман. Биз энг яқин, энг севимли одамларга ана шундай мурожаат қиламиз.

Мен сизнинг ҳузурингизга олис Тошкентдан келдим. Сиз юрган йўлларни кўрганимдан, сиз симирган ҳаводан нафас олаётганимдан, сиз билан юзма-юз туриб гаплашаётганимдан бахтиёрман. Сиз: «Бутун Россия бўйлаб кетар менинг овозим», — дея башорат қилган эдингиз. Биз эса букун сизга қараб: «Овозингиз бутун жаҳон бўйлаб юрибди», — дейимиз.

Ўн кун давом этган Пушкин тантаналарининг шоҳиди бўлиб, шуни ҳис қилдимки, биз ҳоҳ Пётр биринчининг араби Ганнибал яшаган Петровский қишлоғига кириб борайлик, ҳоҳ Пушкиннинг энага Арина Родионовна билан бирга яшаган, қанчадан-қанча машҳур Михайловское қишлоғига қадам ранжида қилайлик, ҳоҳ Пушкинни у севган олма пироги билан кутиб олувчи нозанинлар маскани Тригорскка ташриф буюрайлик, ҳаммамизни Пушкиннинг ўлмас руҳи қаршиларди. Бу руҳ яна қанча-қанча авлодларни қаршиларкин, дея ўйладим. Негаки, ҳар янги авлод туғилиши Пушкин ҳам улар учун қайта туғилаверади. «Бизнинг Пушкин» дейишади улар ҳам мен каби ғурур билан. Одатда буюк дилолар ана шундай барҳаёт яшайдилар!..

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

А. С. ПУШКИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 182 ЙИЛЛИГИГА



Нина Дьякова ва Сергей Шевчуклар «Ташметрострой» трестида маркшейдер бўлиб ишлашади. Шу кунларда улар ер ости пўлат йўлининг янги тоннеллари ўтадиган нишабларни аниқлаб бериш билан шуғулланишяпти. Суратда: Н. Дьякова ва С. Шевчуклар иш устида.



Рая Каримова Тошкентдаги тажриба пиллакашлик фабрикасининг пешқадам ходимларидан ҳисобланади. Катта лаборант бўлиб ишлаётган бу меҳнатсевар аёл пилла хомашёси сифатини аниқлашда маҳорат билан ишламоқда. Суратда: Р. Каримова иш устида.

И. Глауберзон фотолари.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

8—14 ИЮНЬ

8 ИЮНЬ ДУШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05—Бадиий фильм. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Мусиқали фильм. 16.10 — Объектив. 16.40 — Моҳир қўллар. 17.10 — Телестадион. 17.40 — Концерт. 18.15—КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15—Ҳужжатли фильм. 19.30 — Арктика, 365 кун навигация. 19.50 — Концерт. 20.05 — Фильм-спектакль премьераси. 21.30—Время. 22.05 — Премьеранинг давоми. 23.20 — Дунё воқеалари.

Ўз ТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.25 — Кичик сеҳргарлар. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Спорт гимнастикаси бўйича ёшлар ўртасида СССР кубоги. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга! 22.25 — Қонли тўй, Спектакль. Танаффус пайтида (23.05) Бугун оламда нима гап? 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Телевизион бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.00 — Математика.

9 ИЮНЬ СЕШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-спектакль. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Концерт. 16.20—Сизга манзур шеърлар. 16.50 — Телевизион бадиий фильм. 18.00 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Фан оламида. 20.15 — Кинолавҳа. 20.25 — Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — СССРда Монголия Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилиши.

Ўз ТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Жонажон ўлка. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Э. Воҳидов лирикаси. 21.30—Время. 22.00—Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.15 — Бадиий фильм. 23.45—Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Оқ тери. 18.50 — Она тили. 19.30 — «Ёшлик». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 21.10 — Физика.

10 ИЮНЬ ЧОРШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.40 — Телевизион бадиий фильм, 1-серия. 11.55 — Фильм-концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.05 — Концерт. 16.35 — Белинский туғилган кунининг 170 йиллигига. 17.20 — Горнчилар кафедраси! 17.50 — Концерт. 18.35 — Спортчилар класси. 19.05 — Мультфильм. 19.15—Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳаётга йўлланма. 20.05 — Концерт. 20.25 — Телевизион бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.15 — Дунё воқеалари.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Телевизион театр. 13.00 — Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Тенгдош. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Пушкинхонлик. 20.10 — Ем-хашак ишлаб чиқариш резервлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.05—Саҳна усталари. 23.15 — Бугун оламда нима гап? 23.30—Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Реклама. 19.05 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Барча яхши нарсалар — болаларга. 20.50 — Математика.

11 ИЮНЬ ПАЙШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.25 — Телевизион бадиий фильм. 11.30 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Болалар. Телевизион бадиий фильм. 17.50 — «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.35 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — От спорти бўйича СССР чемпионати. 20.00—Телевизион ҳужжатли фильмлар. 20.25 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05—Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва). Кўрсатув тугагач от спорти бўйича СССР чемпионати.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Телевизион бадиий фильм. 12.30 — Фильм-концерт. 13.00 — Болалар учун телевизион театр. 13.55 — Саҳна усталари. Миршоҳид Мироқилов. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — Қишлоқ ёшлари. 19.10 — Шеърият дафтаридан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — А. Аляутдинова. «Чучвара». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ айтган етар муродга. 21.30 — Время. 22.05 — Ишчанлик руҳидаги даврада. 22.45 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.10 — Классик куй саҳифалари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Фильм-спектакль.

12 ИЮНЬ ЖУМА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Белинский. Бадиий фильм. 11.50 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Рус тили. 16.25—Илмий-оммабоп фильм. 16.55 — Филиппин артистларининг концерти. 17.25 — Москва комсомолининг ишлари. 17.55 — И. Минутко. Мен, сен ва бошқалар. 20.00 — Тракторчилар. Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти С. В. Образцов кечаси. 23.50 — Дунё воқеалари.

Ўз ТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Болалар учун. Фонарик. 12.00 — Буни ҳамма билиши ва удалаши керак. 13.30 — Пушкинхонлик. 13.40 — Замандас. 14.30 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёш дарнинг меҳнат дастхати. 19.00 — Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳақида ғамхўрлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Театрдаги воқеалар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — У. Хошимов. «Баҳор қайтмайди». 1-қисм. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

Ўз ТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Она тили. 19.20 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Қонун қўриқчилари. 20.50 — Физика.

13 ИЮНЬ ШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — М. Равель. Дафнис ва Хлоя балети. 2-сюита. 10.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.50—Ота-оналар сизлар учун. 11.20 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Спортлотонинг 24-тиражи. 12.20 — Камалак. 12.50 — Адабий суҳбатлар. Кўрсатувни шоир А. Сурков олиб боради. 13.45 — Сохата ёзи. Телевизион бадиий фильм. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Ҳайвонот оламида. 16.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 17.15 —Таллин музикали манзаралари. 17.50 — Снёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.20 — Мультфильм. 18.50 — Ҳужжатли фильм премьераси. 19.35 — СССР халқ артисти Е. Мирошниченко куйлайди. 20.15 — 31-бўлим ҳалокати. Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — 31-бўлим ҳалокати. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Эстрада қўшиқлари.

Ўз ТВ-I

9.55 —Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Мультфильм. 11.10 — Светофор. 11.50 — Фильм-концерт. 12.40 — Театр учрашувлари. 14.00 — Шахмат мактаби. 14.30 — Кинопублицист экрани. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Юлдузча. 18.50 —Аср рассоми. Шарқнинг буюк миниатюрачиси Беҳзод туғилган кунининг 525 йиллигига. 19.20—Катталар учун мультфильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 —Тошкент хореографияси билим юрти битирувчиларининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.40 —Тошкент хореографияси билим юрти битирувчиларининг концерти (давоми). 21.30 — Время. 22.35 — Романтика телевизион театри. Баҳор қайтмайди. 2-қисм. 23.50 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14 ИЮНЬ ЯКШАНБА

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.05 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье илмий-оммабоп программаси. 12.45 — Тонгги почта музикали программаси. 13.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Вахтангов номли давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 17.05 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.05 — Бугун — енгил саноат ходимлари куни. Кўрсатувда СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасов иштирок этади. 18.25 — Табрикларимизни қабул этинг. Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган музикали программа. 19.00 — Халқаро панорама. 19.45 — Поэзия альманахи. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Спартак» (Москва). Танаффус пайтида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича СССР чемпионатидан репортаж. 24.00 — Янгиликлар.

Ўз ТВ-I

9.55 —Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бугун енгил саноат ходимлари куни. Ҳужжатли фильм. 10.20 — Севги тумори. А. Навоий номли Давлат академик катта театрининг спектакли. 11.30 — Мультипанорама. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Тогда ёз қисқа бўлади. Бадиий фильм. 14.20 —Ўзбекистон спорти. 14.50 — Ёшлик студияси кўрсатади. 15.45 — Реклама. 17.45 — Кўрсатувлар программаси. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Санъат ғунчалари. 18.30 — Медик олимлар сарик касаллигини аниқлаш ва уни даволаш усуллари ҳақида. 19.00 — Ишчи таланти. Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган видеофильм премьераси. 19.30—Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 21.30 — Время. 22.05 — Ғўза парваришини авж олдирайлик. 22.20 — Эртага — премьера. Кинокўрсатув. 23.30 — Тамакининг иши. Чекишнинг зарари ҳақида телефильм. 23.55 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЛОНДОН

Мамлакатнинг энг катта Хитроу аэропортида самолётлар қатнови тўхтаб қолди. Авиадиспетчерлар забастовкаси натижасида мамлакат ичкарисидаги ва халқаро авиалиниялардаги ўнлаб самолётлар қатнови бекор қилинди.

Эдинбург ва Прествик аэропортларида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Давлат муассасаларининг хизматчилари тўрт ойдан бери иш ташламоқдалар. Улар меҳнат шароитни яхшилашнишни ва иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар.

БАЙРУТ

Исроил президенти Навон 1967 йилда босиб олинган Жўлон тепаликларида жойлашган Исроил жанговар позицияларини бориб кўрди. У ҳарбий бошлиқлар билан учрашувда Сурия шаънига ошкора дўқ-пўписалар қилди. Исроил давлати бошлиғининг бундай ҳатти-ҳаракати бу ерда Тель-Авивнинг қўшни араб давлатига нисбатан янги сурбетларча ғоғогарлиги, деб баҳоланмоқда.

ВАШИНГТОН

Ялпи тинчликка кўмаклашувчи Карнегга фонди раҳбарларидан бири Б. Блэкмэн қуролярогларни чеклаш соҳасида, шунингдек сиёсий ва иқтисодий соҳаларда Совет Иттифоқи билан мулоқотларни ривожлантиришни ёқлаб гапирди.

У «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган мақоласида термоядро можаросининг келиб чиқиши ғоят хатарли эканлигини огоҳлантиради. Қўшма Штатлар уруш хавфининг олдини олиш учун енгилтаклик билан асоссиз баёнотлар бериш ўрнига Совет Иттифоқи билан мулоқотлар ўрнатиши зарур. Бундай баёнотлар халқаро иқлимни заҳарлаб, икки томонлама муносабатларга зарар етказмоқда.

Б. Блэкмэн АҚШ маъмуриятига мурожаат қилиб, уни ядро қуролини чеклаш соҳасида Совет Иттифоқи билан дарҳол музокаралар бошлашга, шунингдек ўзаро иқтисодий битимлар тузилишига эришишга чақирди.

ЖАКАРТА

Кейинги 50 йил мобайнида юз берган энг кучли сув тошқини Калимантан ороли жанубий қисми қишлоқ хўжалик районларига катта зарар етказди. АНТАРА агентлигининг хабар беришича, дарёлар тошиб, дамбаларни бузиб юборди ва шолипояларни сув босди. Табиий офат натижасида кишилар ҳалок бўлди ва юзлаб бош қорамоллар нобуд бўлди.

[ТАСС, 5 июнь].

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АГРЕССОРГА НЕФТ

ҚОҲИРА, 4 июнь. (ТАСС мухбири). Миср Синай конларидан қазиб олинаётган ва Тель-Авив билан тузилган сепарат «сулҳ» шартларига мувофиқ Исроилга юбориб турган нефть нархини бир ой мобайнида икки марта арзонлаштирди. Лондонда чиқадиган «Эйт дейз» журналининг хабаридан шу гап маълум бўлди. Журнал Тель-Авивнинг Миср ҳукуматига кўрсатган тазйиқи натижасида нефть нархи яна бир марта арзонлаштирилганлигини таъкидлайди. Нефть юборила бошлаган 1980 йилда Миср нефтининг бир баррели (1 тоннада нефтнинг солиштирма оғирлигига қараб 7—8 баррел бўлади) Исроилга 40,5 долларга тушган бўлса, ҳозир атиги 33 долларга тушмоқда. Бир йилда 2 миллион тонна нефть юборилиб турганидан сўнг нарх-навонинг анча камайиши натижасида Исроил нефть харид этишга валюта сарфини қарийб 20 процент қисқартира олади.

Исроил Ливандаги кардинокорларини кучайтираётган ва Сурия шаънига очиқдан-очиқ дўқ-пўписа қилишда давом этаётган бир пайтда Миср нефть нархини арзонлаштиришга рози бўлганлиги эътиборга сазовордир. Исроилнинг ҳарбий машинаси ҳозир зўр бериб ишламоқда ва Синай нефти уни таъминлаб турган манбалардан биридир. Мисрдан олинган ёқилғи бугун Ливанда ажал уруғини сепаётган Исроил самолётлари ва танкларининг моторларини юргизмоқда. Қоҳира нефть нархини арзонлаштириш билан Исроилнинг агрессияга кетадиган ҳаражатларининг бир қисмини ўз зиммасига олмоқда. Шундай қилиб, Кэмп-Дэвид «битими» бекаму-кўст амал қилмоқда. Уч ёқлама тузилган битимда кўзда тутилганидек, Мисрнинг сионистлар агрессиясига қарши умумараб кураши фронтидан чиқиши амалда у агрессорнинг иттифоқчиси позициясига ўтиб олганлигини билдиради.

А. СУРИКОВ.



Объективда Португалия. Суратда энг қашшоқ оилалар яшайдиган жой тасвирланган. ТАСС фотохроникаси.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● **БАСКЕТБОЛ.** Кеча Прагада баскетбол бўйича Европа чемпиони унвони учун СССР ва Югославия командалари финал ўйинида учрашишди. Совет спортчилари рақибларига қараганда барвақт беш ўйин ўтказиб, ҳаммасида ғалабага эришдилар ва 10 очко билан биринчи бўлиб финалга чиқишди. Югославия баскетболчилари эса Испания ва Чехословакия командалари билан бўлган ҳал қилувчи ўйинда рақибларининг кескин қаршилигини енгиб, иккинчи бўлиб финалга йўлланма олишди.

● **ФУТБОЛ.** Мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Жиззахнинг «Бўстон» командаси навбатдаги турда ўз майдонида Ланчхутининг «Гурия» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келди. Иккинчи лигада пешқадамлик қилаётган Фарғонанинг «Нефтяник», Сирдарёнинг «Янгиер», Наманганнинг «Навбаҳор» командалари мағлубиятга учрадилар. «Нефтяник» Самарқандда «Динамо»га 1:3, «Янгиер» эса Тошкентда «Старт»га 1:2, «Навбаҳор» Термизда «Автомобилист»га 0:3 ҳисобида ютқазди.

Редактор ўринбосари
Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

10, 11, 12, 13, 14 ИЮНЬ СОАТ 19.30 ДА
ЦИРК ВА ТЕАТР АРТИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА

ЛИРИКА ВА КУЛГИ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Камолиддин РАҲИМОВ
Рустам МАМАДАЛИЕВ, Мавжуда НИЗОМОВА, Раъно АҲМЕДОВА (Наманган).
ЎЗБЕК ПАҲЛАВОНЛАРИ:
Республика цирк кўригининг голиби
Турсунали МАМАЖОНОВ (Фарғона) шогирдлари билан
Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист
Товфиқ ОҲУНДОВ (Боку)
Ҳажвия, интермедия ва қизиқчиликларда
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Фахриддин ШАРИФБОЕВ
(Тошкент)
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
Рустам ҲАМРОҚУЛОВ (Наманган)
Областлараро вокал санъати кўригининг қатнашчиси
Ҳолисхон ТУРСУНОВА

Программани — Р. ҲАМРОҚУЛОВ олиб боради.
Касса соат 10.00 дан — 20.00 гача ишлайди.
Билетлар сотилмоқда.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фильм-концерт. 10.15 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.45 — Моҳир қўллар. 11.15 — Баскетбол бўйича Европа чемпионати. 11.55 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.25 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.55 — Спортлото. 13.05 — Сиз бунга қодирсиз. 13.50 — Баскетбол бўйича Европа чемпионати. 15.15 — Дунё воқеалари. 15.30 — Камалак. 16.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 17.00 — Мультфильм. 17.15 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.45—Қотиллар. Улар кимлар? Ҳужжатли фильм премьераси. 19.45 — Тревога. Бадиий фильм. 20.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Днепр». 21.45—Время. 22.20 — 1981 йил қўшиқлари. 23.45 — Ҳужжатли фильм. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10—Болалар учун концерт. 10.40—Телевизион миниатюралар театри. 11.20 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Чолғу қуйларидан концерт. 13.00 — Шахмат мактаби. 13.30 —*Ёшлик. 14.30 — Ер ости ҳазиналари посбонлигида. 17.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Нефтчи» (Боку). Танаффус пайтида кинофильм. 18.50 — Қўғирчоқ фильм. 19.05 — Ҳайкалтарошлик ҳақида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30—Ахборот. 20.50 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 21.05—Ўзбек халқ қўшиқлари. 21.45—Время. 22.20 — Ердаги из. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

Телефонлар: редактор ўринбосарлари - 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; ишлаб чиқариш — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 02037. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1620.